

**Поп «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар
интернат уйида овқатлантириш бўйича “Аутсорсинг” хизматини давом
эттириш юзасидан ўтказилган йиғилиш**

Б А Ё Н И № 2

2022 йил 17-Январь

Мурувват уйи

Йиғилиш раиси:

Поп «Мурувват» интернат уйи
Т.И.Б директор ўринбосари
А.Мамажонов

Аъзолари:

Поп «Мурувват» интернат уйи
директори; М.Марипова

Муассаса бош ҳисобчиси
Б.Маннонов

Муассаса юрист-маслаҳатчиси
О.Каттахўжаев

К У Н Т А Р Т И Б И:

1.Поп «Мурувват» интернат уйида овқатлантириш бўйича “Аутсорсинг” хизматини давом эттиришни кўриб чиқиш тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ: Кун тартибига қўйилган масала юзасидан йиғилишни Поп «Мурувват» интернат уйи директори М.Марипова очиб, ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини яънада ривожлантириш тўғрисида”ги 2021 йил 25 мартдаги Пф-6195- сонли Фармони юзасидан Давлат харидлари товар хом-ашё биржасининг махсус ахборот порталига 7114159- сонли лот рақами билан 2021 йил 24 май куни буюртмачи томонидан аутсорсерни танлаб олиш учун жойлаштирилган эълон бўйича Поп «Мурувват» интернат уйида 2021 йил 10 июнда овқатлантириш хизматини тажриба-синов тариқасида аутсорсинг хизматига ўтказиш бўйича танловда, комиссия аъзолари томонидан «Mukammal Muruvvat Lux» МЧЖ ғолиб деб топилган ва 2021йил июль ойидан декабрь ойигача аутсорсерлик фаолиятини олиб борган. Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария бош врачининг 2007 йил 22 августдаги «Кексалар ва ногиронлар,рухий-асаб касалликлари уйлари ва чуқур ақлан заиф болалар уйлари, ногиронлар учун реабилитация маказларида овқатланишни ташкил этишда ўртасуткалик меъёрга бўлган гигиеник талаблар» тўғрисидаги № 0231-07 сонли СамМ ва Қ нинг эркаклар «Мурувват» интернат уйларига белгиланган меъёрнинг 2-иловасига асосан ҳисоблаб кўрилганда бир васийликка олинган яшовчини кунлик истеъмоли 20311, 20 тийинга тўғри келмоқда.